Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 240 (8480). ● 14 декабрь, 1984 йил ✦ ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Тошкент областидаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан ўн биринчи беш йиллигининг тўрт йили топшириғини муддатидан илгари, 12 декабрь куни бажардилар.

Йил охиригача қўшимча равишда 350 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ЙИЛНИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

СЎЗ—БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИГА

БРИГАДА ШУҲРАТИ УЧУН

БРИГАДАМИЗ заводимиздаги энг кенжа коллективларнинг бири ҳисобланади. Унинг ташкил этилганлигига атиги 3 йил бўлди. Шу қисқа муддат ичида кўрсаткичларимиз йил сайин юксалиб борди. Чунки биз ишни дастлабки кунларданоқ истиқболли усул — бригада пудрати асосида ташкил этишга киришишдан бошладик. Ўша пайтларда корхонамизда деярли 90 процентга яқин коллектив шу асосда иш юритиб, анча яхши натижаларни қўлга киритаётган эди. Янги усул ўзини оқлаганди.

Бироқ, аввалига ишларимиз юришмади, айрим муаммоларга дуч келдик. Ўз ишига нисбатан талабчанлик қилмаётган, коллектив ютуғига ҳисса қўшиш учун жон қойитиб ишламаётган айрим ишёқмасларнинг борлиги ҳам сезилиб қолди. Улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик, маълум вақтгача синаб, ишончимизни оқламаганларга нисбатан зарур чоралар кўрилди. Айрим ишчилар бунга бардош беролмай жуфтакни ростлаб қолишди.

Вақтида коллектив манфаатлари йўлида бир ёқадан бош чиқариб қурашганлигимиз ҳозирги пайтда ҳам ўзининг самарасини бермоқда. Ҳар йили топшириқларни ҳамда қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажаришга эришяпмиз. Шу туфайли ҳам коллективимиз ишчилари корхонамизда мавжуд бригадалар ўртасида авж олдирилган ўзаро социалистик мусобақада доимо илғорлик қилиб келмоқда. Ҳар бир ишчи бу ютуққа баракали улуш қўшяпти. Айниқса, Юсуфжон Маҳмуджонов, Андрей Полев сингари тажрибали токарларимиз топшириқларни мунтазам равишда 150 процентдан ошириб адо этмоқдалар. М. Зокиров, А. Хван сингари ишчиларнинг кўрсаткичлари ҳам уларникидан кам бўлмаяпти. Бундай илғорларнинг самарали меҳнатлари эвазига топшириққа қўшимча кўплаб деталлар тайёрлашга муваффақ бўляпмиз.

Бригадамизда ўн ишчи меҳнат қилади. Улар саккиз миллат вакилларидан иборат. Шу боисдан кўпинча бизни интернационал бригада деб аташади. Коллективимиз ишчилари ҳам бунга кўникиб қолишган. Улар бир-бирлари билан ягона оила фарзандларидек иноқ бўлиб кетишган. Лозим бўлган пайтларда бир-бирларидан ёрдам ва маслаҳатларини аямайдилар. Ишда содир бўлган қийинчиликларни биргалашиб ҳал этишади.

Жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланган шу қутлуғ йил, айниқса, коллективимиз учун қувончли ютуқларга бой бўлди. Йил бошиданоқ зиммамизга ошириллган мажбурият қабул қилиб, беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажаришга бел боғладик.

Бунга эришиш учун бизда етарли имкониятлар мавжуд эди. Айниқса, иш вақтидан самарали фойдаланиш ҳисобига кейинги йилларда тўплаган тажрибамиз бу улкан маррани эгаллашимизда қўл келди. Тежаб қолинган ҳар бир минут ҳисобига бугун кечагидан унумлироқ меҳнат қилдик. Топшириқлар зиёдаси билан бажарилди. Шу туфайли ҳам йил бошидан буён тайёрлаган умумий маҳсулотимиз 165 минг сўмликдан ортиб кетди. Шунинг 45 минг сўмини пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот ташкил этади. Беш йиллик бошидан буён планга қўшимча тайёрлаган маҳсулотларимиз эса 230 минг сўмга етай деб қолди. Унинг эвазига бригадамиз ишчилари шу кунларда 1985 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилишяпти. Яқин кунларда сўнгги маррамизни ҳам эгаллаймиз. Бунга эришиш учун иш суръатини янада жадаллаштиряпмиз, барча резервлар ишга солиняпти. Мураббий ишчилар ва ишлаб чиқариш пешқадамлари ҳар соҳада ибрат кўрсатиб ишлаб, бошқаларни ҳам ўз сафларида бўлишга руҳлантиришяпти. Бир сўз билан айтганда ҳамма бир мақсад йўлида, бригадамиз шонш-шуҳратини янада ошириш учун фидокорона ишламоқда.

Б. АТАМАНОВ,
Тошкент ремонт-механика тажриба заводининг двигателларга деталлар тайёрлаш ва тиклаш цехнинг бригадири, меҳнат ветерани.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР Молия министрлигининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида халқ хўжалиги тармоқларида молиявий интизомни мустаҳкамлаш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш борасидаги иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Марказий Комитет бюроси Молия министрлиги зиммасига министрликлар ва идоралар билан амалий алоқаларни мустаҳкамлаш, республика экономикасини, айрим тармоқларни ривожлантириш масалаларини, корхоналар ва бирлашмалар фаолиятини тез-тез биргаликда кўриб чиқишни практикага жорий этиш мажбуриятини юклади. Планнинг уюштирувчилик ва сафарбар этувчилик ролини оширишга, ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигида социалистик жамғармани кўпайтириш ва миллий даромадни ўстириш мақсадида молиявий маблағлардан актив фойдаланиш борасидаги ишларни кучайтиришга эришиш муҳимдир. Молия министрлигининг коллегияси билан партия ташкилотига барча энг муҳим участкаларга сиёсий етук, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, янгиликни ҳис эта оладиган, исрофгарчилик ва хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлган билимдон кишилар бошчилик қилишини таъминлаш таклиф этилди. Давлат манфаатларига огишмай риоя этилиши учун ҳар бир коммунистнинг шахсий масъулиятини ошириш, министрлик аппаратида намунали тартиб бўлишини қаттиқ кузатиб туриш керак.

Ғалла маҳсулотлари етиштириш, асраш ва реализация қилиш юзасидан илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Тайёрлаш министри ўртоқ Ҳ. Р. Қўйбоқаровга ва озиқ-овқат саноати министри ўртоқ М. И. Йўлдошевга, Ўзбекбирлашув раисининг ўринбосари ўртоқ Р. И. Назаровга жуда қисқа муддат ичида ўз идораларига қарашли корхоналарида тегишлича давлат тартиби ўрнатиш, технология интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барча турлари юксак сифатли бўлишини гарантиялашни таъминлаш учун контролликни кучайтириш юзасидан қатъий чоралар кўриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Партия комитетларига тегирмон ва нон ёпиш тармоқларининг коллективларида сиёсий-тарбиявий иш савиясини ошириш, камчиликлар ва салбий ҳолатларга қарши курашни кучайтириш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республика Ҳурмат тахтасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Тасдиқланган низомга мувофиқ йил якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган, иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планлари билан социалистик мажбуриятларини бажаришда энг юксак ҳамда барқарор кўрсаткичларга эришган саноат, қурилиш, транспорт, халқ хўжалиги ноишлаб чиқариш тармоқлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, колхозлар, совхозларнинг, хўжаликлараро ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари ҳар йили республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси республика хўжалигига ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига партиявий раҳбарликнинг бошқа бир қанча масалаларини ҳам муҳокама қилди.

КОММУНИЗМ ИДЕАЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

Мамлакатнинг ғоявий-сиёсий турмушида катта воқеа бўлиб қолган КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумидан кейин орадан бир ярим йил вақт ўтди. Пленум идеология ишини биринчи ўринга қўйиб, тафаккур, ҳаракат ва тарбия соҳаси бўлмиш идеологияга кенг социал назар билан қарашни тасдиқлаб, ривожланган социализм шароитида бу ишнинг узоқ муддатли новаторлик концепциясини ишлаб чиқди, уни бутун партиянинг зарур иши деб белгилади.

10—11 декабрь кунлари Москвада «КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида ривожланган социализмни такомиллаштириш ва партиянинг идеология соҳасидаги ишн» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси партиянинг коммунистик тарбия масалаларига оид кўрсатмаларини рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

«Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг партия ишлаб чиққан ҳар томонлама пухта ва реалистик стратегияси сиёсий моҳиятини чуқур тушуниш, уни пропагандистик, тарбиявий ишлар практикаси билан узвий боғлай билиш,—деб уқтирди ўртоқ К. У. Черненко конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида, — идеология кадрларининг, барча партия активларининг энг муҳим бурчидир».

Конференция қатнашчилари орттирилган тажрибани батафсил таҳлил қилиб, умумлаштирдилар, оммани коммунистик руҳда тарбиялашда, кенг миқёсли социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда идеологиямизнинг актив, ўзгартирувчилик кучидан тўла-тўкис фойдаланиш учун бутун диққат-эътиборни қаратиш зарур бўлган проблемаларни ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ва кейинги Пленумларининг ғоялари ҳозир амалий ишларда, мамлакат халқ хўжалигидаги ижобий ўзгаришларда, совет кишиларининг фаровонлигини юксалтиришда, уларнинг сиёсий активлигини ва ғайрат-шижоатини ўстиришда аниқ равшан рўёбга чиқарилмоқда. Ҳамма жойда тартиб, уюшқоқлик, интизомни қарор топтириш, кадрларга нисбатан талабчанлик ва масъулиятни ошириш учун партия бошлаган кураш ёппасига қўллаб-қувватланди. Партия маорифи, оммавий-сиёсий ва иқтисодий ўқиш системаси тубдан қайта қурилди. Партия ташкилотларининг кундалик ғоявий-тарбиявий иши самаралироқ бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга идеология иши ўзининг ғоявий-назарий мазмуни жиҳатидан, таъсир ўтказиш формалари ва методлари жиҳатидан замоннинг энг юксак талабларига жавоб берадиган бўлиши, одамларга доимо яқин ва тушунарли бўлиши учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Жамиятимиз олдида турган сифат жиҳатидан янги вазифалар халқнинг бутун ижодий имкониятларини сафарбар этишни талаб қилаётганлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди. Модомики шундай экан, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат ва материал ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш проблемалари сари ижтимоий онгда бошланган бурилишни ҳар бир меҳнатчи ва коллектив ишида пухта равишда мустаҳкамлаш ва ривожлантириш айниқса муҳимдир.

Бунинг маъноси шуки, партия пропагандасининг зўр ғоявий ва ташкил этувчилик имкониятларини партиянинг социал-иқтисодий снёсатининг энг муҳим йўналишларига қаратилиши лозим. Илғорларнинг ташаббусини собиқадамлик билан янада активроқ қўллаб-қувватлаш, қолоқларни илғорларга етказиб олиш, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини доимо контрол остига олиб туриш зарур.

Экономика билан идеология бир-биридан ажралмасдир. Снёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишларининг бирлиги таъминланган жойда ҳақиқий мустаҳкам муваффақиятга эришиш мумкинлигига конференцияда айтиб берилган фактлар қайта-қайта ишонч ҳосил қилдиради. Шу боисдан ҳам тарбия ишида расмиятчилик ва андозачиликни, тўрачилик ва маҳмаданагарчиликни, амалий ишларда ҳам муқаррар суст ликка олиб борадиган фикр бўшлиғини зўр ғайрат билан тугатиш лозим.

Халқ бахт-саодати тўғрисида, социал адолат принципларини амалга ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия фаолиятининг олий маъносидир. Ишлаб чиқариш, турмуш, бўш вақт, тақсимот муносабатлари сингари турмушнинг ҳамма соҳаларига таллуқли социал масалаларга доимо эътибор бериш барча давлат, хўжалик, жамоат ташкилотлари, марказий ва маҳаллий органлар учун қонун бўлиб қолиши керак. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига ва маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиладиган сайловга бошланган тайёргарлик муносабати билан социалистик демократияни янада ривожлантириш тўғрисида конференцияда кенг акс этган мавзу алоҳида аҳамият касб этади.

Реализм, ҳақгўйлик ва ишчанлик, янгиликка нисбатан сезгирлик, илм-фанга кенг миқёсда таяниш, одамларнинг қизиқишлари, эҳтиёжларини билиш ва эътиборга олиш ленинча иш услубининг, ижтимоий турмуш барча соҳаларига партиявий раҳбарликнинг ажралмас белгилари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Олий мақсадларимизни, реал социализмнинг тарихий ғалабаларини, КПССнинг ички ва ташқи снёсатини айни шу асосда пропаганда қилиш, совет кишилари онгида юксак ғоявий эътиқод, маънавий матонат, ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини шакллантириш зарур. Айни вақтда ўткир муаммолардан бўйин товламаслик, мавжуд қийинчиликларни, жамият турмушидаги реал зиддиятларни ишонарли тарзда тушунтириб бериш, партиянинг бу қийинчилик ва зиддиятларни бартараф этиш соҳасидаги ишини кўрсатиш муҳимдир. Пропагандамиз билан қаршиҳ пропагандамизнинг ижобий, жанговар руҳи, унинг дадиллиги ва қатъиятлилиги, бизга ёт идеология ва аҳлоққа нисбатан муросасизлиги — синфий душманнинг ҳар қандай «психологик» ҳужумларини, унинг социализмни бадном қилиш, олға ҳаракатимизга халақит бериш йўлидаги уринишларини даф қилишда муваффақиятларга эришишнинг гаровиндир.

Келгусида қиладиган ишларимизнинг миқёси катта. Советлар мамлакати олдида янги тарихий уфқлар очиб берадиган КПСС XXVII съездига бевосита тайёргарлик бошланди. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш йўлидаги ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда. Коммунистлар учун, идеология фронтининг барча жангчилари учун ленинча ғояларни сўз ва иш билан қарор топтиришдан, партия билан халқнинг бирлигини тинимсиз мустаҳкамлашдан, оммаининг онглилиги ва ғоявий эътиқоди замиридаги зўр ижодий кучларни Ватаннинг снёсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини янада ўстиришга хизмат қилдиришдан ҳам юксакроқ бурч йўқ.

(«ПРАВДА» газетасининг 13 декабрдаги бош мақоласи).



✦ ТОШКЕНТ ГРЭСида Ўрта Осиёда биринчи монолит темир-бетон градирняси қурилмоқда. Бу прогрессив усул иншоот қурилишини бир неча баравар тезлаштириш имконини беради. Суратларда: илғор монтажчи Султон Облоқулов (юқорида), у топшириқни доим ортиғи билн бажармоқда; монолит градирня қурилишида (пастда).

С. Величкин фотолари. (ЎзТАГ).

ҚУВВАТИНИ ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННА ОШИРАДИ

«Ангрен» кўмир разрези қўшимча электр энергияси олди. Бу ерда янги электр линияси қуриб битказилди. Шу линиядан энергия кўмир забойларига — экскаваторларга, карьердан яроқсиз жинсни ва кўмирни ташувчи электр поездларга ўтади.

110 киловольтли электр линияси — Ўрта Осиёдаги шу энг катта кўмир разрезини реконструкция қилишнинг ишга туширилaдиган биринчи комплексига кирувчи объектлардан биргинасидир. Жами 34 та шундай объект бор. Шулардан 12 таси қуриб битказилди, қолганларини йил охирида ишга туширишмўлжалланади.

Разрезни реконструкциялаш Оҳангарон водийсида бошқа бир муҳим саноат объекти — Янги Ангрен ГРЭСи қуриш билан чамбарчас боғланган. ГРЭСнинг биринчи комплекси ишга туширилгач, разрезнинг бир йилда берадиган кўмири 500 минг тонна кўпаяди ва янги «электр фабрикаси» биринчи энергоблокини ишга туширишга етади. Шу энергоблок ҳам йил охирига бориб ишга тушиши лозим. 1988 йилга бориб реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етгач, Ангренда кўмир қазиб чиқариш икки баравардан зиёд ортади.

(ЎзТАГ мухбири).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ И. Г. АНИСИМКИННИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия эрганларида кўп йил актив ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Иван Георгиевич **Анисимкин Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
К. ЧЕРНЕНКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 13 декабрь, 1984 йил.

АРМИЯ ВА ФЛОТ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

СССР Қуролли Кучлари совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг буюк ғалабаларини пухта туриб ҳимоя қилмоқдалар. Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети тевараги да маҳкам жипслашган совет жангчилари халқаро вазият кескинлашган шароитларда ҳушёрликни оширмоқдалар, ҳарбий маҳоратни қунт билан такомиллаштирмоқдалар. Командирлар ва сиёсий органлар идеология ишига унинг самарадорлигига, жанговар меҳнатнинг пировард натижаларига қараб баҳо бермоқдалар. Армия ва флот идеология ходимларининг 12 декабрда Москвада очилган кенгашида шу ҳақда гапирилди. Кенгаш КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида СССР Қуролли Кучларида идеология ишини янада такомиллаштириш вазифаларига бағишланди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини бажариш соҳасида тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар, қўшинларда идеология иши юксак сиёсий сезгирликни сақлаб туриш, доимий ҳарбий тайёрлик, энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришда партия талабларини сўзсиз амалга оширишга қаратилганлиги ҳақида гапирдилар.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги қонуни 24 ва 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат составида тасдиқлансин:

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ

Маннопов Назрилла, йиғувчи-слесарь — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

Тошматов Акром Ёқубович, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари — Ўзбекистон касаба союзларидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Догонкин Петр Васильевич, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий партиявий ишлар бўлимининг мудири — Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Бекмонова Хатича, механизатор — Хоразм область Гурлан районидаги «Коммуна» колхози аъзоларидан.

Дадажонов Тўлан, пахтачилик бригадасининг бошлиғи — Жиззах область Дўстлик районидаги Ленин номли совхози ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Игнатьева Татьяна Константиновна, трамвай ҳайдовчи, — Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Қиргизбоев Каримжон, звено бошлиғи — Наманган область Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

Комлев Сергей Александрович, ремонтчи-слесарь — Навоий область «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Коробейников Александр Васильевич, йиғувчи ишчилар бригадири — Фарғона механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Қурбонниёзов Ўнгарбой, совхоз директори — Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Носирова Хабиба, катта ўқитувчи — А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессорлари, ўқитувчилари ва студентлари коллективидан.

Павлов Михаил Петрович, токарь — Қашқадарё область Қарши тажриба механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Раҳимбердиева Майя Абдулхаировна, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари — Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзидан.

Раҳмонова Хабиба, пилла-чилар бригадасининг бошлиғи — Тошкент область Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ҳамроев Аҳмад, механизатор — Бухоро область Ромитан районидаги «Ромитан» совхози ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ҳўжаев Азим, Ўзбекистон Компартияси Тошлоқ район комитетининг биринчи секретари, Фарғона область Тошлоқ район партия ташкилотидан.

Холмирзаева Юлдуз Қодировна, врач — Андижон шаҳридаги 3-бирлашган туғруқхона ходимлари коллективидан.

Шердонова Хабаринисо Убайдуллаевна, ўқитувчи — Сурхондарё область Денов шаҳридаги Г. Ғулом номли 6-ўрта мактаб ходимлари коллективидан.

Шерметова Халима Холматовна, халқ депутатлари Комсомол район Совети ижроия комитетининг раиси — давлат муассасалари ходимлари касаба союзи Сирдарё область ташкилотидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил, 13 декабрь.

«Тошкент ҳақиқати»нинг давра суҳбати

ИККИ КУН ТЕЖАЛГАН ХОМАШЁ ҲИСОБИГА

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ПАРТИЯНИНГ ИККИ КУН ТЕЖАЛГАН ХОМАШЁ ҲИСОБИГА ИШЛАШ ҲАҚИДАГИ ЧАҚИРИҒИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР

«Ҳар соҳада тежамкор бўлайлик» — бугунги кунда бу шиор Олмалиқдаги кўпчилик меҳнат коллективларининг иш программасига айланиб қолди. Ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар, бригада ва цех коллективлари муайян соҳада хомашё ва бошқа ресурсларни тежаш имконини берадиган резервларни излаб топмоқдалар, уларни ишга салмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, бу соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар бир киши, бир бригада эмас, кўпчилик мулкига, ютуғига айланмоқда. Тежамкорликка эришишнинг самарали йўлларини излаб топган новаторлар, коллективлар ўз тажрибаларини оммалаштиришга ҳаракат қилмоқдалар, янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидаги нутқи олмалиқликларнинг тежамкорлик ҳаракатларини янада жонлантириб юборди. «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 345-кўчма механизациялашган колоннанинг комплекс бригадаси бошлиғи М. Борисов, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати автотранспорт бошқармасининг шофёри Г. Моргунов, 80-автокорхонанинг 14-бригадаси бошлиғи А. Резников ва 16-бригадаси етакчиси Ю. Котиков, тикувчилик фабрикаси кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш цехининг мастери Ю. Муҳамедов, гилам фабрикасининг бригадирлари А. Холматов ва В. Марченко, КПСС XXVI съезди номли химия заводи ремонт-механика цехининг токари Б. Бутаков, рўзғор химия заводининг бригада бошлиғи Т. Суфияновалар билан ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди.

М. БОРИСОВ:— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидаги ўз нутқида **«тежаб қолинган материаллар, хомашё ва ёқилғи ҳисобига йилига икки кун ишлаб бериш»** қанчалик катта фойда келтириши ҳақида батафсил тўхталди. Шундан сўнг бригадамиз коллективи ўз имкониятларини қайта кўриб чиқди.

Комплекс бригадамизда 20 киши меҳнат қилади . 1985 йилда жами 330 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бригада пудрати асосида амалга оширишга қарор қилдик. Ҳамма гап шундаки, янги усул ҳар бир коллектив аъзосини ўз шахсий кўрсаткичи учунгина қурашмай, балки коллектив ютуғига ўз ҳиссасини қўшишга интилтиради. Чунки иш ҳақи ҳам, мукофот ҳам коллектив ишининг пировард натижасига қараб белгиланади. Шу усулда иш юритиш натижасида меҳнат унумдорлиги 7,2 процентга ўсиши кутилмоқда.

Аввалларги бетон ишлари учун, умуман муайян шаклда бетон қуйиш учун тахтадан ясалган қолиплар қўлланилар эди. Энди эса улар ўрнида металл қолипларни қўллаяпмиз. Натижада 20 куб метр ёғоч-тахта, 60 куб метр бетон қоришмаси, 5 тонна металл арматура тежаб қолишга қарор қилдик. Бу эса бригадамиз роппароса икки кун тежалган хомашёлар ҳисобига меҳнат қилади демакдир.

Г. МОРГУНОВ: — Ўнлаб тонна юк таший оладиган «БелАЗ-540» машинасини бошқараман. Демоқчиманки, бундай машиналарда кичик резерв ҳисобига кўплаб тонна юк ташиш, бир неча тонналаб ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қолиш мумкин. Бунинг учун энг аввало истак, интилиш бўлиши керак. Шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида эришган натижаларим мисолида ҳам шуни кўриш мумкин. Планда 34400 куб метр кон жинслари ташишим лозим эди. Амалда эса пландан ташқари 10300 куб метр юк ташидим.

Беш йиллик планини Улуғ Октябрь байрамининг 68 йиллигига қадар бажариб, пландан ташқари 11 минг 300 куб метр кон жинслари ташиб бериш мажбуриятини олган эдим. Бугунги кунгача пландан ташқари амалга оширилган ишлар бу мажбурият шараф билан адо этилишини кўрсатиб турибди.

Яқинда қўшимча резервлар ҳисобига, иқтисод қилинган ёнилғи эвазига, планли ремонт ишларига кетадиган вақтни қисқартириш орқали 1985 йилда тўрт кун тежалган хомашё ва ресурслар ҳисобига меҳнат қилишга қарор қилдим. Бунинг учун 3 минг литр дизель ёнилғиси ва кўплаб эҳтиёт қисмлар тежаб қолиш зарур бўлади. Бугунгача иқтисод қилинган дизель ёнилғиси 2 минг тоннадан ошиб кетди. Демак, яқин ойлар ичида тежалган ёнилғи-мойлаш материаллари эвазига 4 кун меҳнат қилишга тайёрман деб рапорт бериш мумкин бўлади.

А. РЕЗНИКОВ: — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида сўзлаган нутқида **«Шу кунларда айнан тежамкорлик ишлаб чиқариш ўсишини таъминлашнинг энг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда»** деган сўзлари қанчалик ҳаётий эканлигини ҳис этиб турибмиз. Иттифоқимиздаги ҳар бир меҳнат коллективи ҳеч бўлмаганда 1 процент хомашёни тежаб қолганда бу кичик рақам қандай катта бойликни ташкил этишини тасаввур қилиш **қийин эмас. Шунинг учун ҳам бригадамиз азаматлари икки кун тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига юк ташиб беришга қарор қилдилар.**

Кўпчилик қандай резервлар ҳисобига шунча ёнилғини тежаб қолиш мумкин деган савол бериши мумкин. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, иш вақти режимини 10,2 соатга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Бу ҳар бир ишчи 10,2 соат меҳнат қилади деган гап эмас, албатта. Автомобиллардан сменали фойдаланиш коэффициентини ошириш орқали бунга эришилади. Жумладан, кўпчилик автомобилларнинг икки сменада ҳаракат қилиши таъминланади.

Иккинчи резерв эса прицеплардан янада кенг фойдаланишдир. Келгусида автоприцеплар ёрдамида 50 минг тоннага яқин юк ташишни мўлжаллаб турибмиз. Бу эса автомашиналар қувватидан янада тўлароқ фойдаланиш ва ҳар бир тоннакилометр учун кетадиган ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қолишга олиб келади.

Ю. КОТИКОВ: — Ҳар бир ташаббуснинг самараси кишиларнинг бу ҳаракатга қанчалик сидқидилдан киришишларига боғлиқ бўлади. Шаҳар саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процентга ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процентга арзонлаштириш ҳаракати бошланганида бу янгиликнинг пировард натижада қандай самаралар беришини олдиндан айтиб бериш қийин эди. Энди эса ана шу кичик рақамлар, омиллар туфайли юзлаб минг сўмлик маблағ, меҳнат ресурслари, хомашёлар тежаляпти. Демак, бугунги ташаббус ҳам эрта-индин минглаб, миллионлаб сўмлик фойда берганлиги ҳақидаги хушхабарни қувонч билан тинглаймиз.

Бригадамиз аъзолари эса ана шу ҳаракатнинг актив иштирокчилари бўлиб келаётганликлари билан фахрланадилар. Бугунданоқ машиналарнинг техник ҳолатини яхшилашга, ремонт ишларини фақат аъло сифат билан амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз. **1985 йилда тежалган хомашё ҳисобига икки кун меҳнат қилиш имконини берадиган ёнилғи-мойлаш материалларини тўплаймиз.** Бунга эса аввало двигателларнинг бир маромда ишлаши ва шу орқали ортиқча ёнилғини сарфламаслигига эришиш керак бўлади.

Бундан ташқари коллективимиз меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада методи асосида иш кўриши ҳам ҳар соҳада тежамкор бўлишни таъминлашига шак-шубҳа йўқ. Бригадада меҳнат иштироки коэффициентига қараб иш ҳақи ва мукофот бериш тартибини жорий этганлигимизнинг сабаби ҳам ана шундадир.

Ю. МУҲАМЕДОВ: —Цехимиз кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга ихтисослашган. Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабларини янада тўлароқ қондириш мақсадида бу тармоқ ишчи-хизматчилари олдига муҳим вазифалар қўйди. Шуни қувонч билан маълум қилиш мумкинки, цехимиз ишчи-хизматчилари зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этиб келмоқдалар. Шаҳар саноат корхоналари коллективлари ўртасида бир неча бор социалистик мусобақа ғолиби бўлганлигимиз эса бунинг ёрқин исботидир.

Бугун эса коллективимиз фабрикамиз илғорлари сифатида янги ташаббус билан майдонга чиқишга азму-қарор қилди: 1985 йилда икки смена давомида тежалган магераллар ва электр энергияси ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга келишдик.

1985 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилар эканмиз, икки кун меҳнат қилишга етадиган хомашё ва материалларни тежашни мажбуриятнинг асосий бандларидан бири қилиб киритдик. Демак, бугунданоқ ҳар бир ишчи тежамкорлик ҳаракатининг актив иштирокчиси бўлади. **Ишлаб чиқариш технологиясига қатъий риоя қилиш асосида тежаб қолинадиган материаллар ёрдамида қўшимча 200 дона автомашина ёпинғичлари, 100 комплект парда, стулчалар устига қўйиладиган 500 дона кичик кўрпачалар ишлаб чиқариш мумкин бўлади.**

А. ХОЛМАТОВ: — **Социалистик мажбуриятларимизда пландан ташқари 15 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, деган банди бор.** Мажбуриятларни тасдиқлаётган пайтда мусобақадошларимиз қандай резервлар ҳисобига ана шунча қўшимча маҳсулот тайёрлаш мумкин деган савол бердилар. Биз эса бригада аъзолари билан батафсил маслаҳатлашиб, ўз имкониятларимиз 1985 йилда пландан ташқари шунча маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлай олишини ҳисоблаб чиққан эдик. Бошқачароқ қилиб айтганда **айнан шунча маҳсулот икки кунда — тежалган хомашёлар ҳисобига тайёрланади.**

Бир кунда бригадамиз 6 тонна хомашё сарфлайди. Демак, бригада бўйича 2 кун тежалган материаллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқириш учун камида 12 тонна хомашё тежашимиз керак экан.

Кичик бир имконият бўлган барча резервларни қайта кўриб чиқдик. Шундай натижага эришиш мумкин экан. Гарчанд, бу ишни 1985 йилда амалга оширишни планлаштирган бўлсак-да, ҳозирнинг ўзидаёқ тайёргарликка зўр бердик. Жумладан, **гилам маҳсулотларига гул босиш учун кетадиган маҳсулотлар иложи борича тежаляпти. Бундан ташқари ҳар бир резервдан самарали фойдалана олиш учун 10 та ишчининг малакасини ошириш ҳамда турли конфигурациядаги 4 хил гул босиш технологиясини ўзлаштиришимиз керак.** Бу камроқ хомашё сарфлашни таъминлайди.

В. МАРЧЕНКО: — Гилам фабрикаси менинг иккинчи уйимга айланиб қолган десам хато бўлмайди. Фабрика ишга тушгандан бери эмас, балки ундан ҳам аввалроқ бу ерга келганман. Ҳамма гап шундаки, фабрика 1977 йилда дастлабки маҳсулотни берган бўлса, мен 1976 йилдаёқ фабрикада эдим. Шу пайтда қурувчилар билан ҳамкорликда қурилмаларни монтаж қилишда иштирок этдик. Энди эса жонажон коллективимнинг ютуқларидан, унинг муваффақиятларидан худди ўз оиламдаги қувончли воқеадек севиндим. **Мусобақадошим А. Холматов билан бирга пландан ташқари 15 минг квадрат метр гилам буюмлари тайёрлаш ва икки кун тежалган хомашё ҳисобига меҳнат қилиш ҳаракатининг бошловчиси сифатида майдонга чиққанлигим ҳам шу туфайлидир.**

Фабрикамизда икки бригада ана шундай ҳаракатга қўшилди. Лекин кўп ҳолларда алланечук бизнинг бригадамиз мусобақадошларга намуна бўлиши керак деб ўйлайман. Бунга сабаб аввало тажрибам, меҳнат стажимнинг ортиқлиги туфайли деб биламан. Қолаверса, цехимизда бирлашган 18 коммунистдан иборат партия ташкилотининг секретариман. Демак, аввало коммунистлар йўлбошчиси сифатида ҳам уларга ҳар борада намуна бўлишим керак. Шунинг учун 1985 йилда икки кун тежалган хомашё ҳисобига меҳнат қилиб, 15 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари тайёрлашга бутун бригада аҳлини сафарбар этишга ва кўзланган маррани забт этишга бор куч ва имкониятимни ишга соламан.

Б. БУТАКОВ:— Гарчанд бугунга келиб шундай ишга қўл ураётган бўлсам-да, умуман тежалган хомашёлар ҳисобига бир неча кун ишлаш мумкинлигини аввалроқ сезган эдим. Ўша пайтда мен томондан киритилган рационализаторлик таклифининг мазмуни шундай хулосага келишга имкон берганди.

Ўзим меҳнат қиладиган токарлик станогига 2 та қўшимча чарх ўрнатиш орқали 6 қиррали гайкалар тайёрлашни 0,25 марта тезлаштирдим. Шунинг натижасида кўплаб иш вақти тежала бошланди. Кейинроқ эса металл қуймаларини гайка ҳолига келтиргунча чиқиткига чиқадиган металлар ҳам камроқ бўлиши аниқланди. Ана ўшанда бугунги мақсадимни амалга оширишни кўнглимга тугган эдим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко моддий ресурсларни тежаш ҳақида алоҳида тўхталиши бу ташаббуснинг туғилишига гуртки бўлди. **1985 йилда 3 кун ортиқча хомашё сарфламай, тежалган металл ва электр энергия ҳисобига меҳнат қилишга сўз бердим. Бунинг учун 6 минг киловатт соат электр энергия, 1 тоннадан ортиқ металл иқтисод қилиш зарур.** Бу мақсадга эришиш учун амалдаги янгиликлардан кенг фойдаланишдан ташқари йил давомида **6 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 3 та рационализаторлик таклифи киритишга қарор қилдим.** Бу таклифларнинг мазмуни ҳам гежамкорликка қаратилиши шубҳасиз.

Т. СУФИЯНОВА: — Бригадамиз кимёгарлари заводда кенг қулоч ёзган беш йилликни муддатидан илгари бажариш ҳаракатининг актив иштирокчиларидирлар. Барча резервлардан, хомашё ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, иш вақтини тежаш эвазига ишлаб чиқариш унумдорлиги сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ана шунинг ҳисобига беш йилликнинг тўрт йилини 28 август куни адо этиб, 1985 йил ҳисобига рўзғор химияси маҳсулотлари топшира бошладик. Бугунгача пландан ташқари 161 тонна, жами 266 минг сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Жами маҳсулотларнинг 43 проценти давлат Сифат белгисига сазовор бўлганлиги ишимизнинг сифат кўрсаткичларидан далолат беради.

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги тантана қиладиган 1985 йилда бригадамиз кимёгарлари икки кун тежалган хомашё ҳисобидан маҳсулот тайёрлашга қарор қилдилар. Бу жуда қийин ва масъулиятли вазифадир. Лекин бугунгача аҳил коллективимиз амалга оширган ишларга назар солгудек бўлсак, белгиланган маррани забт этиш учун имкониятлар йўқ эмас деган хулосага келамиз. Қолаверса 1985 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларимиз ҳам икки кун тежалган хомашё ҳисобига ишлашга олиб келиши керак. Биз шу куни ишлаб топилган иш ҳақини тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдик.

●

Олмалиқлик ишлаб чиқариш илғорларининг бу ватанпарварлик чиқишларини шаҳар партия комитети саноат, қурилиш ва транспорт бўлимининг инструктори Т. Топилов қуйидагича шарҳлайди:

—Бу ташаббускорларнинг партия чақириғига ҳозиржавоблик билан янги ватанпарварлик ҳаракатини бошлаб берганликлари кишини тўлқинлантирмай қолмайди. Албатта, 9 та участкада кўзланган тежамкорликка эришиш шаҳар экономикасида сезиларли ўзгариш ясамаслиги мумкин. Лекин ғаш бунда эмас. Муҳими янги ташаббус бошланди, у куртак отмоқда. Шаҳар партия комитети ҳам ўз навбатида бу ҳаракат оммавий тус олиши учун барча тадбирларни кўрмоқда. Куни кеча бу илғорларнинг ташаббуси шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди. Ҳеч шубҳа йўқки, эрта-индин яна ўнлаб ташаббус издошлари пайдо бўладилар. Ана шунда бу ҳаракатнинг ҳақиқий кучи сезила бошлайди. Ана шунда бу ҳаракат шаҳар экономикасида ўз аксини кўрсатиши аниқ.

Давра суҳбатини «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири М. МИРАЛИМОВ олиб борди.



● Олмалиқ химия заводи аммофос-2 цехининг аппаратчиси Ойбек Каримов юбилей йили соцналистик мусобақасида пешқадамлик қилиш билан бирга кўплаб хомашёларни, электр энергияни тежаб қолишга эришганлиги. Бугунгача у иқтисод қилган электр энергия кўплаб тонна минерал ўғит тайёрлашга ҳам етади.

Суратда О. Каримов.

В. Сироткин фотоси.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР АКТИВЛИГИДА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги А. Матқобулов қишлоқ Совети территорияси ободонлашиб, янги-янги маданий-маиший объектлар ишга туширилмоқда. Қишлоқда турмуш маданияти йил сайин юксаляпти.

Қишлоқ Советининг маданий-маиший ишлар бўйича доимий комиссияси ўз йиғилишларида аҳолига хизмат кўрсатаётган муассасалар фаолиятини мунтазам муҳокама этиб, уларнинг ишини яхшилаш юзасидан амалий ёрдам берди. Чунончи, қишлоқдаги 8 та кутубхонанинг китоб фонди бойитилди.

Қишлоқ территориясидаги медицина муассасалари ҳам доимий комиссия назоратида. Райондаги 2 та йирик совхоз ва бир колхоз шу қишлоқ Совети территориясида жойлашганлиги, кўпчилик аёлларнинг дала ишлари билан банд бўлишлари ҳисобга олиниб, болалар боғча ва яслиларини кўпайтириш, улар ишини яхшилаш масаласи ҳам депутатларнинг доимий диққат-эътиборидадир. Мавжуд 5 та болалар боғчаси мунтазам ишлаб туради. Боғчалардан узоқроқда жойлашган хонадонлардаги болалар эрта билан автобусларда олиб келиниб, кечки пайт яна шу автобусда уйларига олиб бориб қўйилади.

Янгича урф-одат ва маросимларни қарор топтириш бўйича доимий комиссия амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Комиссия аъзолари ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш, ишчилар ва колхозчилар сафига қабул қилиш, паспорт бериш каби тантаналарни тез-тез ўтказиб туришади. Депутатларнинг ташаббуси билан кейинги пайтларда қишлоқдаги тўйлар ортиқча дабдабасиз, кам чиқим билан ўтказиладиган бўлди. Маҳалла комитетлари аъзолари назорати остида тўйлар белгиланган муддатда бошланиб, барвақт тугатилмоқда.

Умуман қишлоқ Совети, унинг доимий комиссиялари кенг жамоатчилик ёрдамида меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ўстиришнинг барча имкониятларидан фойдаланишмоқда.

Ш. БУТАЕВ.

● *Янги қурилишлар*

30 ҚАВАТЛИ МЕҲМОНХОНА

АЗИМ пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдонига йўлингиз тушган бўлса, шимолий-ғарбий қисмида қад ростлаётган улкан қурилиш эътиборингизни ўзига тортгандир. Ҳа, ҳозир бу ерда шаҳримиздаги энг баланд меҳмонхона жадал суръатлар билан қурилмоқда.

Ўттиз қаватдан иборат бўладиган мазкур корпусда меҳмонларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё этилади. Унинг ёнида қад кўтарадиган кичик корпус эса меҳмонхонанинг вестибюли, томоша залига мўлжалланган. Унда ресторан ҳам жойлашади. Бир минг уч юз хўрандага мўлжалланган мазкур ресторанда бир йўла 4 та овқатланиш зали ишлайди.

Кўп қаватли бу улкан меҳмонхона лойиҳаси экспериментал лойиҳалаш марказий илмий-текшириш институтида тайёрланди.

●

БОЛАЛАР УЧУН КЎРКАМ БИНОЛАР

Наримонов шаҳри тобора кўркам ва гўзал қиёфа касб этмоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда талайгина қурилишлар олиб борилди. Болалар орасида болалар муассасалари ҳам анчагина.

Шу йилнинг ўзида кичкинтойларга бир йўла иккита боғча-ясли армуғон этилди. Улар замонавий типовой биноларга жойлашди. Боғчаларнинг юқори группаларида болаларни мактабга тайёрлаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Олти ёшли болалар таълимини яхши йўлга қўйиш мақсадида тайёрлов синфлари кўргазмали ўқув қуроллари, техника воситалари билан тўла таъминланди.

Эндиликда шаҳарда болалар музика мактаби ҳам бор. Келгуси йили эса болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилади.

А. АЛИЕВ.

ХАЛҚЧИЛ, ОММАВИЙ

1904 ЙИЛ 12 ДЕКАБРЬ куни большевикларнинг Женева группаси йиғилиш ўтказди. Унга В. И. Ленининг ўзи раҳбарлик қилди. Йиғилиш партия кўпчилигининг органи — «Вперед» газетасини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу куни йиғилиш тугаши биланоқ Владимир Ильич дарҳол мақола ёзишга ўтирди. У дилидаги барча гапларни, ардоқлаб юрган ниятларини, ортиқ ишчиларнинг ижодий ишларини, план-режаларини бирма-бир баён этди. Россиядаги ҳамкасб ўртоқларга, маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарларга, илғор ишчиларга қарата Мурожаатнома тарзида битилган «Ўртоқларга хат (Партия кўпчилиги органининг чиқиши муносабати билан)» асари шу тариқа дунёга келди.

Мазкур мақолада В. И. Ленин большевистик матбуотнинг етакчи принципларидан бўлмиш халқчиллик — оммавийлик принципи хусусида муфассал тўхталди, бу принципни амалга ошириш йўллари ҳақида баҳс юритди. Кенг халқ оммаси учун нашр этиладиган матбуот органи — ана шу халқ вакилларининг актив иштироки билан тайёрланиши лозимлиги ҳақидаги ленинча ғоя марксизмнинг оммаларихнинг ҳақиқий ижодкори, деган машҳур қоидасидан келиб чиқарди.

В. И. Ленин ташкил этилажак орган чет эл тўғарагининг эмас, аксинча «рус ҳаракатининг органи» эканини алоҳида таъкидлади. Шу боис мазкур органни «энг аввал ва ҳаммадан кўра кўпроқ Россиянинг **«адабий»** жиҳатдан қўллаб-қувватлаши» муҳим эканини уқдирди. Владимир Ильич «адабий» деган сўзга дарҳол диққатни жалб этиш ва бунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш мақсадида у сўзни алоҳида қайд этиб, курсив билан ёзади ва уни қўштирноқ ичига олади: шу вақтга қадар органда адиблар ва фақат адибларгина (бу ўринда «адиб» сўзи касб маъносида эмас, балки ёзиш маъносида олинмоқда) муваффақият билан иштирок эта оладилар, деган ақида ҳукм суриб келарди. В. И. Ленин «жуда одат бўлиб қолган ва иш учун ғоят даражада зарарли бўлган» бу англашилмовчиликка қарши чиқади, «... аксинча, — деб таъкидлайди Владимир Ильич, — бешта раҳбар ва доимо ёзиб турувчи адибга беш юз ва беш минг адиб бўлмаган ходимлар тўғри келган вақтдагина орган жонли ва ҳаётий орган бўла олади».

Доҳий ўз фикрини ойдинлаштириш мақсадида эски «Искра» фаолиятидан далил келтиради. Лениннинг эътироф этишича, Россиядаги ўртоқлар эски «Искра»га аҳён-аҳёнда ёзиб туришар ва редакция Россиядан келадиган барча материалларни битта қўймай босиб чиқарди. Бу, — Лениннинг таъкидлашича, — редакция фаолиятининг жиддий нуқсони эди. «Ҳақиқий жонли орган, — деб таъкидлайди Владимир Ильич, — келадиган материалларнинг ўндан бир қисмини босиб чиқариб, қолган материаллардан информация учун ва адибларга йўл-йўриқ кўрсатиш учун фойдаланиши керак».

«Ўртоқларга хат» мақоласида В. И. Ленин таъкидлаган яна бир муҳим ғоя — большевистик матбуот органининг коллектив ижод маҳсули эканлиги ҳақидаги ғоядир. Лениннинг сўзлари билан айтганда, социал-демократик орган устида барча социал- демократлар ишламоғи керак. Коллектив ижод деганда, Владимир Ильич газетани ташкил этиш, тайёрлаш, нашр этиш ва тарқатиш ишида қатнашувчиларнинг ҳаммасини назарда тутади. Шу тариқа «раҳбар орган партия коллектив ижодининг маҳсули бўлгандигина ўз вазифасини тўла адо эта олади», «пролетариат ҳаракатининг ёрқин машъали бўла олади».

В. И. ЛЕНИННИНГ «ЎРТОҚЛАРГА ХАТ (ПАРТИЯ КЎПЧИЛИГИ ОРГАНИНИНГ ЧИҚИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)» АСАРИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Бироқ газетада ишчиларнинг фаол иштироки ниҳоятда муҳим. Буни Владимир Ильич алоҳида таъкидлайди. Шундай бўлиши доҳий учун табиий бир ҳол эди. Негаки яқин ўтмишда ишчилар учун ёзишни, бирор сўзи ё иши билан уларга кўмакдош бўлишни ўзи учуи улкан бахт ҳисоблаган ва буни Сибирнинг узоқ ва совуқ тунларида мижжа қоқмай орзу қилган Владимир Ильич ишчиларнинг фикр-мушоҳадалари, таклиф-мулоҳазаларини бениҳоя қадрларди. Шу боис у Россиядаги социал-демократларга мактуб йўлларкан, партия органига ишчиларнинг кўпроқ, кўпроқ ва яна кўпроқ ёзишларини қайта-қайта илтимос қилади, ишчиларга тез-тез ва турли ҳаётий мавзуларда ёзиб туришлари учун имкониятлар яратиб берилишини талаб этади.

«Биз ҳамманинг, айниқса, ишчиларнинг хат-хабар ёзиб туришларини сўраймиз, — деб уқтирди Владимир Ильич. — Ишчиларнинг газетамизга кўпроқ ёзиб туришлари учун, барча воқеалар ҳақида дадил ёзишлари учун, ўзларининг кундалик ҳаётлари, манфаатлари ва ишлари ҳақида мумкин қадар кўпроқ ёзишлари учун уларга кенгроқ имкон беринг — бу ҳил материал бўлмаса, социал- демократик органнинг қиммати сариқ чақага ҳам арзимайди ва у социал-демократик орган деган номга лойиқ бўлмайди» (9 т., 116 б.). Пролетариат ҳаракати ва ишчилар ҳаётининг ҳамма—ҳамма томонлари доҳийни қизиқтирар ва у шуларнинг ҳаммаси ҳақида муфассал ва бот-бот ёзиб туришни талаб қилди. «Шундагина ва хат-хабар ёзиб туриш фақат шу ҳилда кенг йўлга қўйилгандагина, —деб таъкидлади Ленин мақола сўнгида, — биз биргалашиб ўз газетамизни чиқара оламиз — уни **Россиядаги ишчилар ҳаракатининг** ҳақиқий органига айлантира оламиз»

В. И. Лениннинг газетада ишловчи битта профессионал адабий ходимга юзта, хатто мингта ўқувчи-мухбирлар тўғри келиши ҳақидаги фикрини муболаға деб талқин қилганлар ҳам бўлди. Аслида у ҳақиқатга анча яқин орзу эди. Уни 1905 йилда нашр этилган большевистик «Вперед» ва «Пролетарий» газеталари фаолиятиёқ тасдиқлади: мазкур редакциялар ўша машъум чор режими шароитида ойига 300 дан зиёд хат-хабар олиб турдилар. Октябрь инқилобига қадар нашр этилган «Правда» газетаси ўз фаолиятининг иккинчи йилида коллектив бўлиб ёзилган 11 мингдан ортиқ хат-хабарни эълон қилганди (Бу босилиб чиққани, холос!).

Эндиликда «Правда» редакцияси кўп сонли ўқувчи-мухбирларидан бир йилда 500 мингдан ортиқ хат-хабар олади ва уларнинг аксари қисмини ёритади. «Известия», «Сельская жизнь», «Комсомольская правда» каби марказий газеталар фаолиятидан ҳам шундай фактларни келтириш мумкин. Бир галги тиражи 15,5 миллион нусҳадан ошиб кетган «Труд» газетасининг фаолияти фикримизнинг яна ҳам ёрқинроқ далили бўла олади.

Коммунистик партия совет матбуотини ҳамиша ленинча ғоялар ва ленинча традицияларга садоқатли бўлишга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитети матбуот фаолиятига доир ҳар бир қарорида редакцияларга келган ҳар бир хат-хабар ортида жонли инсон туради, унга ниҳоятда сезгирлик билан, эътибор билан муносабатда бўлмоқ керак, деб таъкидлаб келмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI-XVII пленумлари пропаганда ва ахборот воситаларининг барча турларидан меҳнаткашларнинг хат- хабарларига ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ эътибор билан қарашни талаб этди. Республикамизнинг барча газета- журналлари, телевидение ва радио эшиттириш редакциялари меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни муттасил такомиллаштириб бормоқдалар.

Юқорида келтирилган рақамлар, фактлар ва мисоллар матбуот органларимиз жонлилиги ва ҳаётийлигининг объектив ва адолатли мезонидир, матбуотимиз халқчиллиги ва оммавийлигининг ва демакки, чин маънодаги матбуотимиз демократизмининг ишончли далили ва ёрқин намойишидир.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

Газетанинг 16 октябрь сонида босилган танқидий мақолада Чирчиқ ва Бекобод шаҳар умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланаётган овқатларнинг сифатсизлиги танқид қилинган эди.

Мақолага область умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи И. Икромовдан жавоб олинди. Унда айтилишича, мақола область умумий овқатланиш бошқармасининг кенгайтирилган Советида ҳамда Чирчиқ ва Бекобод умумий овқатланиш корхоналарида бўлиб ўтган йиғилишларда муҳокама қилинган. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланган.

Ўзига қарашли корхоналар иши устидан назоратни бўшаштириб юборган, камчиликка йўл қўйган шахсларга нисбатан ўз вақтида жиддий чора кўрмаганликлари учун Чирчиқ ва Бекобод умумий овқатланиш корхоналарининг директорлари А. Султонов ва И. Раҳмоновларга қаттиқ ҳайфсан берилган.

Чирчиқ умумий овқатланиш корхонаси маъмуриятининг буйруғи билан тикувчилик фабрикаси ҳузуридаги ошхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Р. Зубайдуллаевга қаттиқ ҳайфсан, ошпаз Н. Гудковага ҳайфсан берилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг исроф бўлишига йўл қўйган шахслардан етказилган зарар ундириб олинган.

Бекобод умумий овқатланиш корхонаси маъмуриятининг буйруғи билан 17-ошхонанинг ошпаз-бригадири Ҳ. Абдуллаев, ошпазлар Р. Бекмуротов, Н. Коробковаларга, шунингдек, трестнинг бош технологи Носировга, катта савдо инспектори Муставаев, тармоқ бошлиғи Шукуралиев ўртоқларга ҳам ҳайфсан берилган.

Хўрандаларга хизматни яхшилаш учун ошхоналарга қўшимча зарур нарсалар берилган.

ИТТИФОҚДОШ, АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ СОВЕТЛАРИГА ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ МУНОСАБАТИБИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР, СУҲБАТЛАРНИНГ

НАМУНАВИЙ ТЕМАТИКАСИ

В. И. Ленин, КПСС социалистик демократия ҳақида.

Ривожланган социалистик жамият — чинакам халқ ҳокимияти жамияти.

КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва йўналтирувчи кучи, совет сиёсий системасининг ўзаги.

Халқ фаровонлиги — партия сиёсатининг олий мақсади.

Халқ депутатлари Советлари — СССРнинг сиёсий негизи.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми хўжалик ва маданий қурилишда Советларнинг ролини ошириш тўғрисида.

СССР халқларининг мустаҳкам бирлиги ва қардошларча дўстлиги — КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси.

Социалистик турмуш тарзи — партия билан халқнинг буюк ғалабаси.

СССР гражданлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг бирлиги.

КПСС социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳақида.

Совет сайлов системасининг демократизми ва унинг буржуа системасидан афзаллиги.

Депутат — халқнинг Советлардаги мухтор вакили.

Коммунистлар билан партиясизларнинг мустаҳкам блоки.

Сайлов комиссияларининг ваколатлари ва фаолияти.

Сайловчиларнинг наказларини бажариш — депутатларнинг муҳим вазифаси.

Ишлаб чиқаришдаги демократик негизларни ривожлантиришда касаба союзларининг роли.

Ленин комсомоли — партиянинг ишончли резерви ва жанговар ёрдамчиси.

Халқ контроли — социалистик жамиятни бошқариш системасининг ажралмас бўғини.

Меҳнат — Ватанимиз қудрати ва равнақининг манбаи.

Ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йил 15 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқи — партия билан халқ ишининг жанговар программаси.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорлари.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида аниқ ва собитқадам ишни ташкил этиш — беш йилликни муваффақиятли бажаришнинг муҳим шарти.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш — хўжаликни янада самаралироқ юритиш йўли.

Экономикадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлайлик ва кучайтирайлик.

Моддий ресурслардан самаралироқ фойдаланайлик, янада натижадорроқ ишлайлик.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда соҳасидаги куч-ғайратларни оширайлик.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказамиз.

Фермаларнинг маҳсулдорлигини ошириш резервларидан имкони борича кўпроқ фойдаланайлик.

Мамлакатнинг озиқ-овқат фондини кўпайтиришда мелиорациянинг ролини оширайлик.

Ресурсларни тежаш — иш лаб чиқаришни ўстиришни таъминлашнинг энг муҳим манбаи.

Тежаб қолинган материал, хомашё ва ёқилғи билан йилига икки кун ишлаб бериш — ҳар бир меҳнат коллективининг шон-шараф иши.

Маиший хизмат соҳасидаги ресурсларни тежаш йўллари.

Меҳнатни оқилона ташкил этайлик, унинг самарадорлигини оширайлик.

Маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлайлик.

Маҳсулот сифатини доимо яхшилайлик.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш — экономикани самарали ривожлантиришнинг асоси.

Иқтисодий экспериментни жорий этиш — хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг таъсирчан воситаси.

Халқ истеъмол моллари нинг турларини кўпайтирайлик, юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни оширайлик.

Сайловдан сайловгача (шаҳар, район, меҳнат коллективининг социал-иқтисодий қиёфаси ўзгарганлиги ҳақида).

Коллективимизнинг беш йиллик тугалловчи йилидаги вазифалари.

Уюшқоқлик, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш — муваффақият калити.

Социалистик мусобақанинг тарбиявий, сафарбар этувчилик кучидан тўлиқроқ фойдаланайлик.

Ғоявий-тарбиявий ишнинг кучи — сўз билан ишнинг бирлигидадир.

Меҳнатга виждонан, ҳалол муносабат — социалистик турмуш тарзининг илк негизи.

Бўш вақтимиздан оқилона, мазмундор фойдаланайлик.

Советлар мамлакати — тинчлик ва социал тараққиёт учун курашнинг олдинги safida.

Социализмнинг энг муҳим белгиси.

Социализм билан тинчлик — бир-биридан ажралмасдир.

КПСС билан Совет давлатининг ядро уруши олдини олиш учун кураши.

СССРнинг янги тинчлик ташаббуслари.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги — тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда энг муҳим омил.

АҚШнинг агрессив, урушқоқлик йўли — тинчликка таҳдид.

Капитализм — меҳнат аҳлининг ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этувчи жамият.

Буржуа демократиясининг мунофиқлиги.

Империализм идеологияси ва сиёсатининг реакцион моҳияти.

Капитал дунёсидаги оммавий ишсизлик.

Икки дунё — икки турмуш тарзи.

Социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш — совет кишиларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчи.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг жаҳоншумул — тарихий аҳамияти.

Давлатимизнинг кучи — партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигидадир.

1985 йилни коммунистик бунёдкорлик режаларини амалга оширишда янги муваффақиятлар билан нишонлаймиз.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

СУТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози чорвадорлари зарбдор тармоқни жадал суръатларда ривожлантириб боришяпти. Хўжаликда гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорва маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Юбилей йилида ҳам баракали меҳнат қилган хўжалик чорвадорлари районда биринчи бўлиб давлатга сут сотиш йиллик планини ортиғи билан бажардилар. Қабул пунктларига 1670 тонна ўрнига 1678 тонна сут топширилди. Ҳар бир соғин сигирдан ўртача 3931 килограммдан сут соғиб олинди. Маҳсулотнинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди.

Колхозда сут соғиб олиш сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига кўпайиб бораётир. Донгдор сигир соғувчилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати М. Исоқова, КПСС XXVI съезди делегати В. Мусаева соғувчилар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ҳозиргача қарамоғларидаги ҳар бош соғин сигирдан 5—5,5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олдилар. Уларнинг изидан бораётган М. Акбарова, Қ. Файзиева, С. Қосимова, Ш. Қосимова, Н. Ахмедова сингари сут соғувчилар ҳам сигирлардан 4,5—5 минг килограммдан сут соғиб олиб ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар.

Колхоз чорвадорлари давлатга гўшт ва тухум сотиш юзасидан белгиланган йиллик планларини ҳам ярим йилдаёқ ортиғи билан уддаларган эдилар. Эл дастурхонига пландаги 100 тонна ўрнига 170 тонна гўшт, 83 минг дона ўрнига 111 минг дона тухум етказиб бердилар.

Қишловга пухта тайёргарлик кўрган колхоз чорвадорлари айни кунларда ҳам соғин сигирлар ва қорамоллар маҳсулдорлигини ошириб боришяпти. Vар бош сигирдан кунига 10 килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиққан чорвадорлар йил охиригача яна 120 тонна сут топширишга, ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинадиган сутни 4200 килограммга етказишга аҳд қилишди.

С. ШАМСИДДИНОВ.

БОНГ УРАМИЗ!

ХЎЖАСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЯЁТГАНЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

БЕКОБОД РАЙОНИ

«Октябрь 50 йиллиги» совхози: сут-товар фермасининг атрофида турли хил темир-терсаклар, эски техника чиқиндилари айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Тайёрланган озуқа яхши сақланмаяпти. Силоснинг сифати паст, қуриб қолган. Сенаж ҳам талабга жавоб бермайди. Охирлар яхши ремонт қилинмаган, шунинг учун ҳам бу ерга солинаётган озуқаларнинг бир қисми ерга тўкилиб, сочилиб исроф бўлмоқда. Озуқа цехи ишламаяпти. Рацион бўйича моллар уч марта озиқлантирилиши керак. Бироқ озуқа тарқатиш муддатига риоя қилинмайди. Моллар яйратиладиган майдонлар атрофидаги сув ифлосланиб кетган.

«Ленинград» совхози: сут-товар фермасининг атрофи санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Силос, сенаж, пичан сингари озуқалар сифати паст. Моллар яйратиладиган майдонлар тозалаб қўйилмаган. Сигирлар ориқ, ифлос. Озиқлантириш технологияси қўпол равишда бузилмоқда. Озуқа цехи ишламайди. Шунинг учун ҳам ем-хашак нишхўрдга чиқиб кетмоқда. Ҳар бир сигирдан кунига ўртача 2,4 килограммдан, соғин сигирлар бошига ҳисоблаганда эса 3,4 килограммдан сут соғилмоқда. Сунъий урчитиш пункти ишламайди. Совхознинг сут-товар фермасида мутахассислар ва хўжалик раҳбарларининг навбатчилиги уюштирилмаган.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ

«Маданият» колхози: озуқа цехи жуда кўп вақтдан буён ишламайди. Аралаш озуқалар тайёрланмайди. Мавжуд озуқалардан тежамли фойдаланилмаяпти ва исрофгарчиликка йўл қўйилаётир. Молларнинг маҳсулдорлиги паст. Ҳар бош соғин сигирдан олинаётган сут 3,7 килограммдан ошмаяпти. Сигирларнинг атиги 62 процентги соғилмоқда. Бу нормадагидан 23 процент камдир.

ПАРКЕНТ РАЙОНИ

«Паркент» совхози: ем-хашак танқис бўлгани ҳолда ундан тежамли фойдаланилмаяпти. Исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Озуқа цехи бир смена ишлаётир. Шунинг учун ҳам моллар эҳтиёждагига яраша аралаш озуқа билан таъмин этилмаяпти. Натижада моллар ориқлаб қолмоқда, маҳсулдорлиги пасаймоқда.

«Коммунизм» совхози: соғин сигирлар парвариши яхши йўлга қўйилмагани учун сут маҳсулдорлиги паст бўлмоқда: ҳар бош соғин сигир ҳисобига 4—4,5 килограммдан ошмаяпти. Сут етиштириш календарь плани бажарилмаяпти. Фермада сут соғувчилар ва молбоқарларнинг ишлашлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Мусобақага вақтида якун чикариб турилмайди.

* * *

Танқидга жавоб бериш керак. Ваҳоланки редакция Бўка, Пискент, Янгийўл районлари партия комитетлари, район ижроия комитетлари ва РАПО Советларидан «Бонг урамиз!» рубрикаси остида босилган биринчи (30 ноябрь) ва иккинчи (5 декабрь) танқидий сигналларга ҳалигача жавоб олмади.

Қишлов — хатоларни кечирмайди. Буни унутмаслик керак. Мавжуд камчиликларни зудлик билан тугатиш ва бундан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш зарур.

ШУДГОРЛАШ ОЛДИДАН

ЧИНОЗ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари юбилей йилида «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирдилар. Мавжуд 690 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб пахта йиғиштириб олинди. Йиллик план ва мажбурият шараф билан уддаланди. Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликда бу йил асосий ҳосил юқори сортларга топширилди.

Колхозда эрта баҳорданоқ ҳар бир агротехник тадбирнинг энг мақбул муддатларда ўтказилганлиги, ишда қатъий интизом йўлга қўйилганлиги туфайли ана шундай ютуқларга эришилди. Бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳам янгилик киритилди. Апрель ойиданоқ мусобақа йўлга қўйилиб ҳар ўн кунда якун ясалиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилди. Бу борада хўжаликнинг Зароҳат Эгамбердиева бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари барчага ибрат бўлишди. Чигит экишдан тортиб ҳосил йиғиб-теріб олингунча улар мусобақада карвонбошилик қилдилар.

Бу илғорларнинг изидан борган Худойберди Озатов, бошчилик қилаётган бригада аъзолари 69 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» олиб, давлатга 300 тоннадан зиёд пахта топширдилар.

Колхоз меҳнаткашлари айни кунларда кузги-қишки ишларни ҳам қизғин олиб бормоқдалар. Биринчи галда бутун диққат-эътибор ерларни озиқлантириш билан бирга ликда сифатли шудгорлашга қаратилмоқда. Бутун техника воситалари, ишчи кучлари шунга сафарбар этилган.

— Колхозимизда сўнгги йилларда ерларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга катта аҳамият берилаётгани туфайли ҳосилдорлик ортиб бораяпти, — дейди тажрибали пахтакор Зароҳат Эгамбердиева.— Буни биргина бизнинг бригадамиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Биз бу йил 88 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдик. Энг муҳими маҳаллий ўғитга тўйинган ерда етилган ҳосил сифати юқори бўлди.

Пахта йиғим-теримида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган, ҳар бири ўз агрегати бункеридан 110 — 140 тоннадан пахта тўккан Василий Бибаров, Ўктам Хўжамқулов, Элчибой Озатов, Мирзахов Жонисов, Николай Головин, Йўлдош Тўхтасинов сингари механизаторлар айни кунларда далаларни ўғитлаш билан бирга ликда шудгорлашни намунали олиб боришяпти. Колхозда барча иш график усулида ташкил этилаётир. Уларнинг мақсади февраль ойигача кузги—қишки тадбирлар юзасидан белгиланган вазифаларни тўла бажариб қўйишдир.

Г. МАМБЕТОВА.

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 24 ноябрь сонидаги «Қўшнингиздан ўрганмайсизми!» сарлавҳали мақолада Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози сут-товар фермасида чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги, озуқа турларидан тежаб-тергаб фойдаланилмаётганлиги, сут соғувчилар ва молбоқарлар меҳнати яхши ташкил этилмаганлиги, умуман, меҳнат интизоми бўшаштириб юборилганлиги, оқибатда, хўжаликда сут тайёрлаш планининг бажарилмаётганлиги, ўтган йилги суръатдан анча орқада қолинаётганлиги жиддий танқид қилинган эди.

Редакция совхоз дирекцияси ва партия комитетидан ана шу танқидий мақола юзасидан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, мақола совхоз дирекцияси, партия комитети ва касаба союз ташкилотининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинган ва у ерда келтирилган танқидий фактлар, фикр-мулоҳазалар тўғри, деб топилган. Сут етиштириш суръатининг ўтган йилдагига нисбатан пасайиб кетишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан маъмурий жазо кўрилган. Жумладан, чорвачилик базасининг бошқарувчиси Нури Қаландаров ўз вазифасидан четлатилган, совхоз бош зоотехниги О. Хоммадова қаттиқ ҳайфсан ҳамда катта механик А. Рисмуҳамедовга ҳайфсан эълон қилинган.

Совхоз дирекцияси, партия комитети ва касаба союз ташкилотининг қўшма йиғилишида сут-товар фермасида йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф этишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Ана шу тадбирлар асосида сут-товар фермасини қишга тайёрлаш пайтидаги ремонт ишларида йўл қўйилган нуқсонлар тузатилди. Сут соғувчилар ҳамда молбоқарлар дам оладиган хоналарга қўшимча жиҳозлар келтирилиб, кўргазмали агитация восталари билан тўла таъминланди.

Беда ва табиий ўт пичани ғарамланган территория тартибга келтирилди ва атрофи ўраб қўйилди.

Эндиликда сут соғувчилар ҳамда молбоқарлар бажараётган ишлар натижалари ҳар куни текширилиб, сут— товар фермаси цех партия ташкилотида кўриб борилмоқда. Кунлик соғиб олинаётган сутни ҳисоб-китоб қилиб бориш яхши йўлга қўйилди. Қўшимча белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши сут— товар фермаси халқ контроли группаси томонидан назорат қилиб турилибди.

«ҚЎШНИНГИЗДАН ЎРГАНМАЙСИЗМИ?»

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

ЧЕГАРАДА ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Таиланд маъмурлари, деб хабар қилади Кампучиянинг СПК ахборот агентлиги, Кампучия Халқ Республикаси билан чегарада қўпол қуролли иғвогарликларини давом эттирмоқда. Таиланднинг разведка самолётлари 30 ноябрдан 6 декабргача бўлган давр ичида КХР осмон чегарасини 6 марта бузиб, унинг ичкарисига 3 километргача кириб борган. Айни вақтда Таиланднинг қуролланган кемалари Кох Конг ва Кох Танг ороллари районида Кампучиянинг территориал сувларига жами 330 марта бостириб кирган.

Таиланд артиллерияси Преахвихие, Сиемреап ва Баттамбанг вилоятларининг чегара районларини сал кам юз марта қаттиқ ўққа тутди. Тинч аҳоли ўртасида жабрланганлар бор, катта моддий зарар етказилди.

Кхмер реакционерларининг шайкалари тўп ўқи паноҳида КХР территориясига суқилиб киришга уриндилар. Кампучия халқ-революцион армиясининг қисмлари чегарани бузувчиларга муносиб зарба бердилар. Бандитлардан сал кам 160 киши сафдан чиқарилди, кўп миқдорда қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳа-анжом ўлжа қилиб олинди.

● Кубада Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан тўқимачилик саноатининг йирик ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Ҳозирги пайтда Совет-Куба ҳамкорлигининг яна бир объекти — «Баланс» ип йигирув фабрикаси қурилиши ниҳоясига етмоқда. Корхонада барча қувватлар ишга туширилгач, бу ерда йилига 15 минг тонна юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Суратда: корхонанинг янги цехида.

Г. Надеждин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ЮНЕСКОга ТАЗЙИҚ ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРИЖ. Буюк Британия ҳукумати ЮНЕСКОга тазйиқ ўтказиш кампаниясини давом эттириб, шу халқаро ташкилотнинг Бош директори А. М. м'Боунн 1985 йил 31 декабрда ундан чиқмоқчи эканлигидан хабардор қилди. Буюк Британия ташқи ишлар министри Ж. Хауннинг унга топширган хатидан маълум бўлишича, Лондон аввало ЮНЕСКОнинг тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадини кўзловчи программаларидан, шунингдек янги халқаро ахборот тартиби ўрнатиш йўлидаги куч-ғайратларидан норози бўлмоқда. Англия ЮНЕСКОни шу йўлдан қайтишга мажбур қилишга интилиб, ўзининг ультиматум тарзидаги талаблари бажарилган тақдирда ўз қарорини қайта кўриб чиқишга тайёр эканини билдиради. Хатда айтилишича, ЮНЕСКО бунинг учун Вашингтон билан Лондон талаб қилаётган «ислоҳотлар программаси»ни амалга ошириши лозим эмиш.

ЮНЕСКОга қарши Қўшма Штатлар авж олдириб юборган дўқ-пўписа кампаниясида Буюк Британиянинг иштирок этиши шу ташкилотга кирувчи мамлакатларни ғазаблантирмоқда.

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

ДЕҲЛИ. 12 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди ҳинд халқини чет эллардан қўллаб-қўлтиқланаётган экстремистларнинг хатарли кирдикорларига нисбатан ҳушёрликни кучайтиришга чақирди. У Уттар-Прадеш штатининг Лакхнау шаҳридаги оммавий митингда сўзлаган нутқида Панжоб, Жамму ва Кашмир, Ассом штатларида ғайри миллий унсурларнинг яқинда қилган қўпорувчилик ҳаракатларини «ташқи кучлар қўллаб-қўлтиқланган»гини уқтириб ўтди.

Бош министр ишонч билдириб айтдики, ҳинд халқи миллий бирликни парчалашга, Ҳиндистондаги аҳволни издан чиқаришга ва мамлакатни заифлаштиришга уринаётган душманларнинг мудҳиш кирдикорларини барбод қилади. «Мамлакатимиз ўз бирлиги ва территориал бутунлигига хавф соладиган ҳар қандай ажнабий тазйиқка бардош бера оладиган тарзда кучлидир», деб таъкидлади Р. Ганди.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

● БАҒДОД, 12 декабрь. (ТАСС). Ироқнинг бош ҳарбий қўмондонлиги фронтдаги аҳвол тўғрисида эълон қилган навбатдаги маълумотномасида маълум қилишича, кеча Ироқ авиацияси душманнинг қўшинлари тўпланиб турган жойларга, унинг истеҳкомлари ва алоқа йўлларига зарбалар уришни давом эттирган. Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари 70 мартадан кўпроқ жанговар парвоз қилиб, Майсан секторида Эроннинг ҳарбий объектларини бомбардимон қилди. Фронтнинг шу участкасида Ироқ вертолётлари актив ҳаракат қилди. Эронликларга катта талафот етказилди.

Фронтнинг марказий участкасида ва Басрадан шарқдаги секторда Ироқ артиллерияси Эрон қўшинларининг олдинги позицияларини ўққа тутган.

● НИКОСИЯ, 12 декабрь. (ТАСС). Эрондаги ИРНА ахборот агентлигининг жанговар ҳаракатлар районидан хабар қилишича, кейинги кунларда фронтнинг бир қанча участкаларида артиллерия отишмалари бўлиб ўтган. Бу отишмалар шимолий-ғарбий ва ғарбий участкаларда айниқса шиддатли тус олган. Эрон батареялари, дейилади ахборотда, душманнинг яширинган жойларига, ўт очиш нуқталарига, штаблари ва омборларига қаттиқ ўқ ёғдириб, унинг солдат ва офицерларини, жанговар техникасини яксон қилган.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ИСТАМБУЛ.** Туркиядаги етакчи «Янки» ҳафтаномаси мамлакатдаги ишсизликни «кўп йиллар давомида кескин бўлиб турган проблема» деб таърифлади. Ҳафтанома Туркияда «ортиқча кишилар сони» ҳозир қарийб 4 миллион кишини ёки ишга яроқли аҳолининг 20 процентини ташкил қилганлигини уқтириб, бу проблемани ҳал этмоқ учун аввало, миллий экономика дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этиш зарур, деб таъкидлади. Бу ерда уқтириб ўтилганидек, экономика бошидан кечираётган танглик мамлакатнинг Ғарб давлатларига тобора кўпроқ қарам бўлиши билан боғлиқдир: Туркиянинг ташқи қарзи энг юқори даражага — 30 миллиард долларга етди. Туркия матбуотининг ёзишича, бу қарз келгуси асрнинг иккинчи ярмидагина тўланиб бўлиши мумкин.

● **ДАМАШҚ.** Таназзулга учраган корхоналар сонининг тез кўпайиб бораётганлиги, ишлаб чиқаришнинг кескин қисқарганлиги ва бунинг оқибатида ишсизларнинг узлуксиз кўпайиб кетаётганлиги Исроил босқинидан кечираётган иқтисодий танглик кўринишларидан биридир. Бугунги кунда Исроилда 100 минг нафар «ортиқча киши» бор, деб уқтиради Фаластин ВАФА агентлиги. Булар мамлакатдаги ишга яроқли аҳолининг тахминан 6 процентини ташкил этадилар.

● **ҚОҲИРА.** Миср жамоатчилиги МАР санъат академиясининг кумуш юбилейини нишонлади. Жамол Абдил Носир ташаббуси билан чорак аср муқаддам барпо этилган бу академия Миср санъат ва адабиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Ҳозирги вақтда академия составига еттита олий билим юрти — театр, музика, кино санъати, балет, араб музикаси, халқ санъати ва бадиий танқид билим юртлари киради. Академиянинг ўқув юртлари мингминглаб мутахассисларга санъат оламига йўлланма берди.

Бу мутахассислар санъатнинг турли соҳаларида самарали ишлаб, Миср халқини чинакам маданиятдан баҳраманд қилмоқдалар.

● **РАБОТ.** Марокашдаги социал-иқтисодий танглик мамлакат катта ёшдаги аҳолиси анча қисмининг турмушини оғирлаштирибгина қолмай, шу билан бирга болалар гарданига ҳам оғир юк бўлиб тушмоқда. Кўпгина оилаларнинг моддий аҳволи оғир бўлганлиги сабабли мактаб ёшидаги 3 миллиондан кўпроқ бола ўқиш имкониятидан маҳрум. Ҳолбуки, Марокашда мажбурий бошланғич таълим қонунда кўзда тутилган. Ҳар йили маориф эҳтиёжлари учун давлат бюджетининг чорак қисми сарфланмоқда. Лекин етарли миқдорда мактаблар қуриш ва уларни ўқитувчилар билан таъминлаш учун бу маблағ кифоя қилмаяпти. (ТАСС).

КИМ ЖАВОБГАР?

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бхопал шаҳридаги Американинг «Юнион карбайд корпорейшн» корпорациясига қарашли заводда заҳарли газ чиқиши натижасида рўй берган фожиали фалокат сабабли 2,5 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди ва 50 мингдан кўпроқ киши қаттиқ заҳарланди. Бу фалокатларнинг тафсилотларини текшириш Ҳиндистоннинг марказий текшириш бюросига топширилди. Махсус экспертлар группаси авария сабабларини аниқлаш учун заводнинг иши билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳужжатларни синчиклаб кўриб чиқиши лозим.

Бхопалда фожиа содир бўлиши аслида муқаррар эканлиги ва ҳар қандай пайтда рўй бериши мумкинлиги энди мутлақо равшан. Заводни қуриш пайтида Америка корпорацияси технология нормаларини, хавфсизлик қоидаларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нормаларини кўпол равишда бузганлиги дастлабки маълумотлардан кўриниб турибди. Бу нарса бир неча бор турли ишкалликларга олиб борган эди. Бхопалдаги матбуот конференциясида Мадьхия-Прадеш штати ҳукуматининг сармининстри Аржун Сингх бундай деди: 1978 йилдан буён ўтган давр ичида корхонада олти марта бахтсиз воқеа ва авария бўлганлиги қайд этилганди. Натижада бир ишчи ҳалок бўлиб, 47 ишчи шикастланган эди.

Омбордаги 40 тонна заҳарли газнинг ҳаммаси учиб кетганлиги факти заводда газнинг чиқишини қайд этадиган ва унга йўл қўймайдиган бирон-бир қурилма ўрнатилмаганлигини исботлайди, деб уқтиради «Ҳиндистан таймс» газетаси. Шуниси характерлики, «Юнион карбайд корпорейшн» корпорациясининг Американинг Ғарбий Виржиния штатидаги шундай заводда газ чиқишини аниқлайдиган электрон асбоб ишлаб турибди. Бхопалдаги заводда бемаъни важлар билан бундай асбоб ўрнатилмаган эди.

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бхопалнинг минглаб аҳолиси ҳалок бўлганлиги учун АҚШнинг энг катта химия концернларидан бири — «Юнион карбайд» тўла-тўкис жавобгардир. Бу корпорация бойлик орттириш пайига тушиб, Ҳиндистоннинг шу шаҳридаги ўз корхонасида энг оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилмади. Зарар кўрганларнинг оилалари номидан корпорация эгаларига қарши Ғарбий Виржиния штатининг «Юнион карбайд» ваколатхоналаридан бири жойлашган Чарлистон округ федерал судида қўзғатган даъвонинг моҳияти мана шундан иборат. АҚШнинг химия корпорацияси Бхопалдаги ўз заводини лойиҳалаш ва қуриш вақтида «жиноят-корона бепарволик» қилинишида айбдор эканлиги, бунинг натижасида ҳалокатли газ чиқиб кетиши содир бўлганлиги даъвода таъкидланган.

Даҳшатли фожиада қурбон бўлганларнинг оилалари корпорациядан содир бўлган жиноят учун товон тўлашни талаб қилмоқдалар. «Юнион карбайд» корпорацияси заводда заҳарли дорилар асраладиган бинонинг пишиқ-пухта ёпилишини таъминламаганлигини, шунингдек, Бхопалдаги завод лойиҳасига авария ҳақида сигнал берадиган компьютер системасини киритмаганини фактлар кўрсатиб турибди. Ҳолбуки, корпорациянинг АҚШдаги мана шундай корхоналарида компьютер системаси ўрнатилган. «Юнион карбайд» эгалари мана шу камчиликларни била туриб ҳинд шаҳрининг аҳолисини ҳаётга ва соғлиққа катта хавф борлигидан огоҳлантирмаганлар, деб таъкидланади судга топширилган ҳужжатда.

Бхопалдаги воқеалар миллатлараро химия корпорациясининг корхоналари жойлашган бир қанча мамлакатларда, шу жумладан АҚШнинг ўзида жамоатчиликнинг қаттиқ ташвиши ва ғазабини қўзғатди. Ғарбий Виржиния штатининг шу корпорация заводи жойлашган Институт шаҳри жамоат ташкилотларининг вакиллари «Юнион карбайд» раҳбарлари билан дарҳол учрашув ўтказилишини талаб қилдилар. «Корпорация эгалари, — деди шаҳар жамоатчилиги делегацияларининг аъзоларидан бири С. Паркер, — фақат фойдани кўзлайдилар, улар шаҳримиз аҳолисининг манфаатларига парво ҳам қилмайдилар».

МЕТРОНИНГ ИККИНЧИ ЛИНИЯСИ

МАРКАЗДАН ВОКЗАЛГАЧА

✦ Республикамиз пойтахтида яқиндагина ишга туширилган Тошкент метросининг «Ўзбекистон» линияси кунига минглаб йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Суратларда: «Тошкент» станциясининг умумий кўриниши (юқорида); шу станциянинг навбатчилари Елена Кобакина ва Лидия Рогова (чапда); машинистлар «Навоий» станциясида навбатдаги рейсга тараддуд кўришмоқда (ўнгда).

Ш. Ибрагимов фотолари.

«ПАРТИЯ САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ...»

1945-1985

...Эрта тонгданоқ кучли отишма бошланди. Қўмондонлик буйруғига мувофиқ жангга кирдик. Душманга ажал ёғдираётган катюшалардан отилаётган снарядлар атрофни ларзага келтирди. Танкларимиз йўл бошлаб берди. Улар ортидан биз пиёдалар ҳужумга ўтдик. Талвасага тушиб қолган душман осонликча чекинишни истамасди. Шунга қарамай қўшинларимиз қаҳрамонона жанг қилиб олдинга силжишни давом эттирди. Душман чекинишга мажбур бўлди. Лекин солдатларимиз ҳолдан тойган эдилар. Биз Витебск шаҳри остоналарига яқинлашиб қолганимизда дивизиямизга янги резерв келди. Сўнгра жангдаги солдатларга дам олиш учун буйруқ берилди...

Мана, ўрмон ёқасида дам олиб ўтирибмиз. Ўнг томонимиз жарлик. Ҳаммаёқ сокин. Дунёни чуқур сукунат ўраб олгандек. Баҳор бўлишига қарамай бу ерда қушлар ҳам сайрашмайди. Тушликдан сўнг куйбишевлик Владимир Семенов қизчасига ёзган, лекин жанг олдидан юборолмаган хатини ўқиб берди. Мактуб «Мени — отангни ҳали кўрмадинг, бағримда эркаланмадинг, лекин ҳали дийдор кўришамиз, сени бағримга олиб эркалайман болажоним», деган сўзлари билан якунланган эди. Владимирдан сўнг тожикистонлик Сафо Иноғомов онасининг суратини кўрсатди. Шу пайт кутилмаган воқеа рўй берди. Ўйдим чуқур буталар орасидан бир жангчи биз томон судралиб келарди. У автоматига телбалардек ёпишиб олган эди. Кўмкўк мўматалоқ бўлиб, бўртиб кетган юзларига қон сачраган, шишдан кўзлари кўринмай қолган. У яқинлашган сари бизнинг ҳаяжонимиз ортиб борар эди.

Жангчи биздан сув сўради. Унинг овози жуда таниш эди. Лекин кимлигини билолмасдик. Бу кўнгилсиз ҳол узоқ вақт чўзилмади. Қуролдошимиз Сергей Федоров бақириб юборди:

— Ўзимизнинг Миша Константинов-ку!— деб унга ўзини отди. Сергейнинг кўзларидан тинимсиз ёш оқар эди. Лекин Михаилнинг шодланаётганлигини ҳам, хафа бўлаётганлигини ҳам билиб бўлмасди. Негадир у телбаларга ўхшаб қолган эди.

Ҳамширалар келиб Мишани олиб кетишар экан, у гимнастёркаси чўнтагидан букланган бир варақ қоғозни Федоровга узатди. Бу ариза эди. Ариза батальон парторги номига ёзилган бўлиб, қуйидаги сўзлар битилган эди: «Мен шонли Коммунистик партия сафида туриб жанг қилишни истайман. Мени партия аъзолигига қабул қилинг...»

Эртасига яна жангга кирдик. Жангларда ҳалок бўлган, оғир яраланган дўстларимиз учун душмандан ўч олдик. Шу жангларда мен ҳам оғир яраландим. Рязань областининг Клипики шаҳарчасидаги ҳарбий госпиталда даволанар эканман, фронтдош дўстларимга хат ёздим. Федоровдан жавоб хати келди. Ёзишича, Миша даволанибди, бомба таъсиридан жароҳатланган кўзи қисман очилибди. Уни шонли Коммунистик партия сафига қабул қилишибди.

...Йиллар ўтди. Урушнинг тан жароҳатлари битиб кетди. Лекин қалб жароҳати битмас экан. Дўстларимга, фарзандларимга хотиралардан сўзлаганимда ҳаяжонланиб кетаман. Урушнинг номи ўчсин, осойишта ҳаёт кечирайлик дейман.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги офицер.

ҚИЗЛАР ДАФТАРИДАН

ШЕЪРИЯТ

Кўпдан сирлашмаймиз, иккимиз
дўстим,
Анча бўлди бизлар олис йироқмиз.
Узун кун, бедор тун сени қўмсадим,
Сен менга, мен сенга жуда керакмиз.
Қалбимда туйғулар олови ёниб
Севинчим жилғадек ўйнаб оққанда,
Ўшал дам мен сени кўргандим,
бағрим —
Эҳтирос, туйғулар тутган маконда.
Боғлар ошоқ, пушти рангга бўялди,
Нафармон новдалар эгилди аста.
Шунда сени кўрдим, қўшиқ қуйилди,
Гуллар юрагимга тўкилди аста.
Мен сени кўрганман ҳар лаҳза,
ҳар он,
Олов болаликнинг кўчаларида.
Қишлоқ, яшил дала қирлари алвон,
Ой кулган юлдузли кечаларида.
Мен сени кўрганман, жимгина,
бесас,
Замин сийнасига ёққанда оқ қор.
Табиат онадек кийиб зар либос,
Майин товланганда биллур новдалар.
Шундай сени кўп бор кўргандим
дўстим,
Бу кун нечун бизлар олис, йироқмиз,
Узун кун, бедор тун, сени қўмсадим,
Сен менга, мен сенга жуда керакмиз.

Анора ПАРДАБОЕВА.

ДИЛ РОЗИ

Сиз юлдуздек юксаксиз, етмоғим кўп маҳолдир,
Дил розимни қоғозга битмоғим ҳам маҳолдир.
Мен юксакка кўз тикиб толиқдимми, билмасман,
Лекин сиздан йироққа кетмоғим ҳам маҳолдир.
Сизни ҳеч ким мен каби ёниб-ёниб севмаган,
Ишқ майидан бир ўзи қониб-қониб севмаган,
«Сенга вафо қилмас у, ўзга дилга кўнгил бер»,
Деган дўстларидан ҳам тониб-тониб севмаган.
Агар етсам висолга жўшиб қўшиқ айтарман,
Гар етмасам...ортимга армон билан қайтарман.
Ишқ йўлида уч бора умр кўрсам дунёда
Фақат сизни севиш учун яшар эдим қайтадан.

Мавлуда ЭГАМБЕРДИЕВА,
ТошДУ студенти.

КИМЁ ФАНИДАН ОРИГИНАЛ ДАРСЛИКЛАР

Таниқли кимёгар олим, Тошкент Давлат университетининг профессори Ҳаким Раҳимов қатор дарслик ва қўлланмаларнинг муаллифи ҳисобланади. У яратган қўлланмалар республикамиздаги олий ўқув юртлари студентларига муҳим адабиётлардан бири сифатида тақдим этилди.

«Ноорганик химия» дарслиги эса университетлар кимё факультетлари студентларига мўлжаллаб ёзилган эди. Профессор мазкур дарслик устида яна жиддий иш олиб борди, уни шу куннинг талаблари асосида қимматли материаллар ҳисобига бойитди. Дарсликнинг бу янги нашри педагогика олий ўқув юртлари студентларига яхши совғадир.

«Ноорганик химия» дарслиги яқинда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

◆

СТУДЕНТЛАР ИЖРО ЭТИШАДИ

Бу йил жаҳон музика жамоатчилиги машҳур композитор И. С. Бах туғилган кунинг уч юз йиллигини кенг нишонлайди. Ўзидан жуда катта ижодий мерос қолдирган бу улкан санъаткор яратган асарлар жанр жиҳатидан ранг-баранглиги билан ҳам ажралиб туради.

Композитор кўпгина асарларини қадимий музика асбоби — органда ижро этишга мослаб яратган эди. Машҳур ижодкорнинг юбилейи муносабати билан концерт программаси тайёрлашга киришилди. «Орган музика кечаси» деб номланган бу томоша номерлари М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси студентлар саҳнасида ижро этилади. Олий музика мактабида янги ташкил этилган орган факультативи классининг талабалари концертда машҳур композитор Г. Ф. Гендель ижодидан ҳам айрим намуналарни бу улкан чолғу асбобида чалиб берадилар.

С. ОДИЛОВА.

СПОРТ

УЧРАШУВЛАР МУСОБАҚАЛАР,

✦ ШАШКА. Фарғонада Ўзбекистон биринчилиги учун халқаро шашка бўйича мусобақалар давом этмоқда. Олти турдан сўнг 5 очко жамғарган тошкентлик А. Столяров пешқадамлик қилмоқда. Ҳамшаҳримиз В. Александров эса 4,5 очко билан иккинчи ўринда бораётган. Ветеран спортчи Шарифжон Ёқубов (Тошкент) ҳисобида 4 очко бор. Кеча кечиктирилган ўйинлар бўлиб ўтди.

✦ ШАХМАТ. Республика шахмат-шашка клубида мастерлик нормаси учун анъанавий мусобақалар бошланди. Биринчи турда чирчиқлик С. Загребельний Е. Мухинни (Тошкент), Д. Қаюмов (Тошкент) эса ҳамшаҳри Л. Борисенкони, М. Салтаев (Чирчиқ) тошкентлик М. Рудреферни мағлубиятга учратди. В. Егин (Янгийўл)—В. Логинов (Тошкент) учрашуви кечиктирилди.

ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК

● Шу кунларда Тошкент Давлат циркида Совет цирки усталарининг томошалари муваффақиятли давом этмоқда. Бу томошаларда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олим Тошкенбоев бошлиқ дорбозларнинг чиқишлари томошабинларга манзур бўлмоқда.

С. Маҳкамов фотолари.



Реклама ва эълонлар

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

МАШҚ ЎТКАЗИШ САРОЙИДА
ИККИНЧИ ЛИГА ШАРҚИЙ ЗОНА
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

Қуйидаги командалар учрашадилар:
14, 15, 16 декабрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ШАХТЕР» (Прокопьевск)
20, 22, 23 декабрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «МОТОР» (Барнаул).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари 17.00 да, иш кунлари — 18 дан 30 минут ўтганда бошланади.

«ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассалари ишлаб турибди.

Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин.

Касса — 46-03-12, 46-70-31;
администратор — 46-07-53, 46-68-77.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ
«ДУСТЛИК» УНИВЕРМАГИДА

15 ДАН 20 ДЕКАБРГАЧА

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларининг кенгайтирилган

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.
САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Кўргазмага 1э, 1, 16, 24-автобуслар билан бориш мумкин, «Ташавтомаш» заводи» бекати.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ДЕКАБРЬ ОЙИДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ, ИККИ СЕРИЯЛИ

«БИРИНЧИ ОТЛИҚ АРМИЯ»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ.

Фильм биринчи отлиқ армия ташкил этилганлигининг 65 йиллигига бағишланади.



Сценарий авторлари — Валентин ЕЖОВ, Владимир ЛЮБОМУДРОВ.

Режиссёр — Владимир ЛЮБОМУДРОВ.

Ролларни ижро этадилар: Вадим СПИРИДОНОВ, Евгений ЖАРИКОВ, Всеволод ЛАРИОНОВ, Андрей РОСТОЦКИЙ, Елена ПРОКЛОВА ва бошқалар.

«Мосфильм» ижодий коллективи Биринчи отлиқ армия, унинг афсонавий қўмондони Семен Будённий ва унинг сафдоши Климент Ефремович Ворошилов тўғрисида, армия қўмондонининг қизил эскадронлар байроғини сўнмас шон-шуҳратга буркаган бошқа жанговар дўстлари ҳақида янги лента яратдилар.

Ўзбек тилига дубляж қилинган кенг форматли, рангли

«ҚИШДАН ҚИШГАЧА»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ.
Сценарий автори — Владимир БЕЛЯЕВ.
Режиссер — Олег НИКИТИН.
Ролларни ижро этувчилар — Всеволод ЛАРИОНОВ, Всеволод САНАЕВ, Евгений ШУТОВ, Валентина ГРУШИНА ва бошқалар.

Фильм замонавий катта металлургия заводи кишилари ҳақида, улар ҳал этиши лозим бўлган ишлаб чиқариш ва кишилар проблемаси тўғрисида, меҳнатга ижодий муносабат, топширилган иш учун масъуллик ҳақида ҳикоя қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИДАН ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

ГАЛЛЕЙ «ҚАДАМ»НИ ТЕЗЛАШТИРДИ

Кейинги вақтларда қуёш томон интилаётган галлей кометасини кузатиш бирмунча осонлашди. Ҳозир бу оралиқ икки астрономик бирлик — 300 миллион километрни ташкил этмоқда. У ўз қароргоҳидан йўлга чиқандан буён 16 астрономик бирликка тенг йўлни босиб ўтди ва шу кунларда сал жадалроқ ҳаракат қила бошлади.

Кометани кузатишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институти олимлари ва Китоб шаҳридаги халқаро кенглама станциясининг мутахассислари актив иштирок этишмоқда.

Ҳар 76 йилда бир марта қуёшга яқинлашиб келадиган бу кометани институт олимлари 1910 йилда ҳам ўрганишган эди. Ҳозир ана шу маълумотлар янада батафсилроқ тадқиқ этилмоқда.

Галлейнинг шу кунлардаги йўналиши бўйича тўпланаётган маълумотларнинг ҳаммаси Украина ССР Фанлар академиясида марказлашмоқда. Мамлакатимизда кометани ҳаммадан аниқроқ кузатиш Шимолий Кавказда жойлашган обсерватория олимлари зиммасига юклатилган. Бу ерда ўрнатилган диаметри олти метрли телескоп тадқиқотчиларни галлейнинг кундалик таржимаи ҳоли билан таништириб турибди. Мутахассисларнинг айтишларича, у олдинги сафларида анча уриниб қолган, йўл азобидан тинкаси қуриган кўринади. Унинг бирмунча юлқинган «қомати» шундан дарак бериб турипти. Келгуси йилнинг кеч кузида республикамизда бу манзарани ҳар бир киши оддий кўз билан кузатиши мумкин.

◆

ЗАҲАРИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биорганик химия институтида чаёнга кучсиз электр токи таъсир эттириш йўли билан заҳар олиш бошқа усулларга қараганда самарали деб топилди. Олимлар умуман бўғимоёқлилар устида кенг миқёсда химиявий, биохимиявий, иммуниологик тадқиқотлар олиб бориб, бир мунча ютуқларга эришдилар. Ҳусусан, изланишлар натижасида чаён турларидан бирининг заҳарига қарши антизардоб ихтиро қилинди. Кейинги тадқиқотлар эса чаёндан заҳарланганда антизардоб ўрнига ундан ажратиб олинган антитела фойдалироқ эканлигини кўрсатди. Ҳозир институтда худди шу йўналишда илмий тадқиқотлар кенг йўлга қўйилди.

Ана шундай қилиб, тиббий аҳамияти жиҳатдан қиммати олтин билан баробар турадиган илон заҳари қаторидан худди шундай қимматга эга бўлган чаён заҳари ҳам ўрин олди.

С. ҲАСАНОВ.

МУЗИКА ТЕРМИНЛАРИ ЛУҒАТИ

Ўзбек музика маданияти узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ана шу бебаҳо меросни тадқиқ этишда республикамиз музикашунослари катта самарали ишларни олиб бормоқдалар. Бу соҳада яратилган дастлабки йирик ишларда миллий музика санъатининг қатор муҳим масалалари атрофлича таҳлил этилди.

Бундай хайрли ишни амалга оширишда республикамизнинг таниқли музикашуноси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Илёс Акбаров ўзининг салмоқли ижодий ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбек халқ музикаси тараққиётини акс эттиришга бағишланган илмий асарлари айниқса диққатга сазовордир.

Профессор яна бир мукаммал тадқиқотга якун ясади. У «Музика терминлари луғати» устида самарали иш олиб борди. Унда миллий музика маданиятига хос бўлган терминларга катта ўрин берилди. Луғатда шунингдек, умумевропа музика санъати терминлари ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек тилида биринчи марта ҳозирланган бу луғатни Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти босмага тайёрлади.

А. АКБАРОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XII да **Баланд қоядаги аёллар**, 15/XII да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/XII да **Хотинимнинг эри**, 15/XII да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

«Ташкентводстрой» тресті коллективи ОРС бошлиғи Ш. К. Кикинадзега акаси

Лочин Қурбонович КИКИНАДЗЕнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область ижроия комитетининг маҳаллий саноат бошқармаси коллективи Паркент тикувчилик фабрикасининг директори Х. Й. Йўлдошевга отаси

Йўлдош ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
"Ташкентская правда"/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

ВИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749, қишлоқ хўжалиги—325647, пропаганда—325556, совет қурилиши—325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553, адабиёт ва санъат—325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733, хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556, фотомухбир—325894.

Р. 09638. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1848. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12